



КРЕДИТ РИСКЛАРИ БЎЙИЧА РИСК ПРОФИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ РИСК АППЕТИТИ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ

Хидиров Алимардон

“Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки

ORCID: 0009-0003-8390-7942

alimardonkhidirov1986@gmail.com

Аннотация. Мақолада кредит рискларини доимий равишда мониторинг қилиш ва риск даражаси (паст, ўрта ва юқори) тўғрисида олдиндан огоҳлантириш имконини берадиган асосий кўрсаткичлар тўплами, маълум бир сценарий асосида белгиланган чегара меъёридан ошиб, банк нуфузига жиддий зарар етказадиган ёки банк стратегиясини ўз вақтида амалга оширишга тўсиқ бўладиган банк учун молиявий зарар кўришга олиб келиши мумкин бўлган кредит рисклари, банк томонидан бузилмаслиги керак бўлган рискнинг асосий кўрсаткичларининг чегаравий қиймати белгиланиши ва белгиланган меъёрга яқинлашганда кредит рискни камайтириш чораларини кўриш ҳамда банк ўз бизнес мақсадларига эришиш учун банк қабул қилишга рози бўлган ёки воз кечишини режалаштирган муҳим рисклар тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек кредит рисклари бўйича риск-аппетити ва риск профили кўрсаткичларини ишлаб чиқиш жараёни, механизми бўйича илмий таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: кредит рисклари, риск аппетити, риск профили, риск-аппетити кўрсаткичлари, банкнинг бизнес мақсадлари.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РИСК-ПРОФИЛЕЙ ПО КРЕДИТНЫМ РИСКАМ И УПРАВЛЕНИЕ ИМИ ЧЕРЕЗ РИСК-АППЕТИТ

Хидиров Алимардон

Акционерный коммерческий банк «Узпромстройбанк»

Аннотация. В статье рассматривается комплекс основных показателей, позволяющих осуществлять постоянный мониторинг кредитных рисков и заранее предупреждать об уровне риска (низкий, средний и высокий). Кредитные риски, при превышении установленного порогового значения на основе определённого сценария, могут нанести серьёзный ущерб репутации банка или привести к финансовым потерям, препятствующим своевременной реализации стратегии банка. Определяются предельные значения ключевых показателей риска, которые не должны нарушаться банком, и при приближении к установленному уровню необходимо принимать меры по снижению кредитного риска. Также рассматриваются важные риски, которые банк готов принять или отказаться от них для достижения своих бизнес-целей. Кроме того, в статье приводятся научные предложения и выводы по процессу и механизму разработки показателей риск-аппетита и риск-профиля по кредитным рискам.

Ключевые слова: кредитный риск, аппетит к риску, профиль риска, показатели аппетита к риску, бизнес-цели банка.

IDENTIFICATION OF CREDIT RISK PROFILES AND THEIR MANAGEMENT THROUGH RISK APPETITE

Khidirov Alimardon

Joint-Stock Commercial Bank "Uzpromstroybank"

Abstract. *The article discusses a set of key indicators that enable continuous monitoring of credit risks and provide early warning about the level of risk (low, medium, and high). Credit risks, when exceeding a threshold value established under a specific scenario, may cause serious damage to the bank's reputation or result in financial losses that hinder the timely implementation of the bank's strategy. The limit values of the key risk indicators, which must not be breached by the bank, are defined, and when approaching the established thresholds, measures should be taken to mitigate credit risk. The article also reflects on significant risks that the bank is willing to accept or intends to reject in order to achieve its business objectives. There are also scientific proposals and conclusions on the process of developing risk-appetite and risk profile indicators, a set of mechanisms and systems.*

Keywords: *credit risks, risk appetite, risk profile, risk-appetite indicators, business goals of the bank.*

Кириш.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, банк хизматларини модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш (Фармони, 2020) белгиланганлиги банкларда рискларни бошқаришнинг ривожланган ҳорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш хусусан, юзага келиши мумкин бўлаган кредит рискларига банкнинг бардошлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда риск-аппетити кўрсаткичлари риск даражасини аниқлаш лозим бўлади.

Бошқарув ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича таркибий тузилма томонидан таваккалчиликларни бошқариш тизими, шу жумладан, риск-аппетит ва таваккалчиликларни бошқариш сиёсатининг ишлаб чиқиши, уларга риоя этилиши ва уларнинг ўз вақтида янгилаб борилиши устидан назорат қилиш (Низом, 2020) белгиланганлиги банкларда риск-аппетити кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш бўйича банк ўзининг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Риск аппетити кредит рискларини бошқариш бўйича энг яхши халқаро тажрибаларига ҳамда Банкнинг ички тамойилларига мувофиқ рискларни бошқариш тизимини ташкил қилишга, рисклар даражасини ҳар томонлама аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Шунингдек, банк фаолиятига таҳлил манбаалари ҳамда ҳажмларини аниқлаш, кредит рискларини мақбул даражасига қадар чеклаш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилиш мақсадида ишлаб чиқиши лозим.

Айнан риск аппетитининг тўғри аниқланиши кўпгина банкларга глобал молиявий беқарорлик даврида банкротликдан қочишга имкон беради. Риск аппетити даражасини аниқлаб, ҳар бир банк кредит рискларини бошқариш соҳасида ишлашнинг ўзига хос стратегиясини ишлаб чиқади.

Риск аппетитини самарали бошқариш ҳам Регуляторнинг мажбурий меъёрий талабларини бузиш рискин камайтиради, айниқса банкларни тартибга солишнинг янги стандартига ўтиш шароитида - Базел 4 (Пашковская и Хоткин, 2020).

Халқаро стандарт шуни кўрсатадики, ҳар хил мақсадлар ҳар хил даражадаги рискин англатади, шунинг учун ҳар бир ташкилот ўз фаолияти давомида қанча ва қандай турдаги таваккал қилишга тайёрлигини ўзи учун шакллантириши керак (Rittenberg ва Martens, 2012).

Ушбу ҳолатлар банкларда кредит рисklarини таҳлил қилиш ва баҳолаш, олдини олиш ва бошқариш мақсадида ҳар бир банк кредит рисklари бўйича риск аппетити ва риск профилини ишлаб чиқиш нуқтаи назардан назарий ва амалий аҳамияти юзасидан илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи.

Берч (n.d.) “ҳар қандай компаниянинг таваккалчилиқни бошқариш фалсафасининг асосий таркибий қисми унинг риск аппетитини аниқлашдир. Риск аппетити компаниянинг молиявий ва операцион имкониятларига, ўсиш суръатларига ва манфаатдор томонлар томонидан рентабеллик истиқболларига қараб, юзага келиши мумкин бўлган риск миқдорини акс эттиради” деб тарифлайди.

Тарасов (n.d.) “Риск-аппетити-бу хавфни камайтириш чоралари талаб қилинишидан олдин ташкилот ўз мақсадларига эришиш йўлида қабул қилишга тайёр бўлган максимал риск даражаси. Ҳар қандай бизнес ўз моҳиятига кўра рискли бизнес бўлиб, унда фойда олиш учун таваккал қилиш зарур ва риск аппетити ташкилот учун рисklар ва олинadиган фойда ўртасидаги мақбул мувозанатни кўрсатади” деб тариф беради.

Банк назорати бўйича Базелда (2011) “Риск аппетити ташкилот ўз мақсадларига эришиш учун қабул қилишга тайёр бўлган риск (ноаниқлик) миқдори ва турларини акс эттиради”.

“Риск аппетити- бизнинг минимал миқдорий кўрсаткичлар ва сифатли баёнотлар тўплами билан белгиланadиган стратегик мақсадларимизга эришиш учун биз қабул қилишга тайёр бўлган рисkning умумий даражасини ифодалайди.” (Deutsche Bank, 2017)

Лам (2014) “риск аппетити - бу компания ўз стратегик мақсадларига эришиш учун қабул қилишга тайёр бўлган риск миқдори ва туридир. Бу фақат хавфдан қочиш эмас, балки мақсадли равишда ундan фойдаланишни англатади.”

Круи, Галай ва Марк (2014) иқтисодчи олимлар риск аппетитини компаниянинг рискни бошқариш имкониятлари ва стратегиялари билан боғлайди. Уларнинг таърифи стратегик режалаштириш ва капитал тақсимотини назарда тутadi.

Бисли (2023) “риск аппетити – бу раҳбарият қарор қабул қилаётганда ҳаракат қилиши керак бўлган чегараларни белгилайди. Бу риск бошқарувини корпоратив бошқарув билан боғлайди.”

Хилсон (2009) “риск аппетити - бу ўзгарувчан концептдир. У ташкилотнинг ички ва ташқи омилларига қараб доимий равишда қайта кўриб чиқилиши керак.”

Шунингдек, Карпентер (2023) “риск бошқарувини компанияларнинг инновация ва ўсишга йўналтирилган стратегияларини амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади. Риск аппетити эса бу жараёнда компанияларнинг қандай рисklарни қабул қилишга тайёр эканлигини белгилаб беради”

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчилиқларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги” низомга асосан риск-аппетит — бу банкнинг стратегик мақсадларига ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришишда қабул қилишга тайёр бўлган сезиларли барча

таваккалчиликларнинг (жами умумлашган ҳолдаги ҳамда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида) миқдори” деб таърифланган. (Низом, 2023)

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, риск аппетити бу - рискларни қабул қилиш доирасида банк бизнес-режасининг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда стратегик мақсадларга эришиш учун банк томонидан олдиндан қабул қилишга ёки рад этишга рози бўлган рискларнинг умумий ҳажми ва/ёки сифатини ифодасига айтилади.

Риск профили эса банк фаолиятининг асосий жиҳатларида рисклар фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қийматларининг йиғиндиси тушунилади. Риск профили кўрсаткичлари қаторига риск-аппетити кўрсаткичлари, мажбурий стандартлар, молиявий ковенантлар ва шунингдек бошқа ички кўрсаткичлар киради.

Республикамизнинг Банк фаолиятига алоқадор айрим меъёрий ҳужжатларида риск аппетити мавжудлиги бўйича талаблар мавжуд бироқ, уни ишлаб чиқиш методологиясига қўйилган талаб ва кўрсатмалар йўқлиги сабабли банклар ўзларининг тижорат фаолиятидан келиб чиқиб риск аппетити бўйича ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқади.

Тадқиқот методологияси.

Мақолада, тижорат банкларида кредит риск аппетити ва риск профили кўрсаткичларини Марказий банкнинг пруденциал талабларига ва соҳанинг етакчи амалиётига мувофиқ ишлаб чиқиш, уларни аниқлаш, баҳолаш, бошқаришни мониторинг ва назорат қилиш бўйича эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатларни тадқиқ этиш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишларининг илмий хулосалари ва муаллифларнинг амалий тажрибалари асосида мустақил ёндашувлар шакллантирилди. Шунингдек жадвал, аналитик таққослаш, мантиқий таҳлил, гуруҳлаш каби усуллардан ҳамда статистик маълумотлардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Банкда кредит рискларини бошқаришнинг мақсади қонунчилик талабларига, банк акциядорлари ва инвесторларининг кутган талабларига мувофиқ, рискларни онгли равишда қабул қилиш ва банк фаолияти давомида юзага келадиган рискларни бартараф этиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш сифатида белгиланади.

Банк бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичлардан иборат риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлаш ва муҳокама қилиш, риск профили кўрсаткичлари, рискларини камайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш тузилмаси бўйича риск-аппетитини бошқариш тадбирларини кетма-кет равишда амалга оширади.

Риск аппетити	Банк ўзининг мақсади, стратегик кўрсаткичларидан келиб чиқиб риск миқдорини қабул қилишини белгилайди
Рискни қабул қилиш	Банк қабул қила оладиган максимал даражадаги риск миқдорини қабул қилиши капитал ҳажми ва бошқаларга боғлиқ
Мақсадли риск профили	Риск чегараларини белгилаш
Мавжуд риск профили	Амалдаги ҳолат
Кредит rischi	Риск аппетити лимитлари орқали кредит рискларни бошқариш

1-расм. Риск аппетитини ишлаб чиқиш ва бошқариш жараёни

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Банкнинг риск-аппетитини бошқариш чора-тадбирлари

№	Босқич	Жараён натижаси
I - Босқич: Риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлаш		
1	Риск динамикасининг охириги 3-12 ойдаги ҳозирги таъсирини баҳолаш.	Риск ҳақида мунтазам ҳисобот
2	Банкнинг бизнес режаси ва стратегияси маълумот-лари асосида рискларни олдиндан аниқлаш	Асосий риск кўрсаткичлари прогнози
3	Белгиланган мезонлар бўйича ҳозирги ва келгуси даврлардаги муҳим рисклар реестрини шакллантириш	Банкнинг муҳим рисклар реестри
4	Банк фаолиятидаги чекловларни баҳолаш (меъёрлар ва ковенантларни рискка чидамлилиги)	Ташқи ва ички риск чекловларини қабул қилиш рўйхати
5	Барча маълумотларни таққослаш орқали риск-аппетитини аниқлаш	Риск-аппетити кўрсаткичлари иловалари
II - Босқич: Риск-аппетити кўрсаткичларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш		
1	Банк Бошқаруви учун риск-аппетити кўрсаткичлари бўйича якуний таклифларни шакллантириш	Банк риск-аппетити декларацияси лойиҳаси
2	Банкнинг манфаатдор бўлимлари билан риск-аппетити кўрсаткичларини муҳокама қилиш	Риск-аппетити декларацияси бўйича изоҳ ва муносабатлар
3	Декларация лойиҳасини Банк Кенгашининг Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмитаси даражасида муҳокама қилиш	Риск-аппетити лойиҳаси бўйича тавсиялар
4	Риск-аппетити лойиҳасини тасдиқлаш ва манфаатдор томонларга хабар бериш	Риск-аппетити декларациясини тасдиқлаш тўғрисида қарор
III - Босқич: Риск-профили кўрсаткичлари чегараларини белгилаш		
1	Риск-профили кўрсаткичлари тўпламини шакллантиришнинг асосий омилларини таҳлил қилиш	Риск-профилини зарур кўрсаткичларини асослаш
2	Риск-профили кўрсаткичлари тўпламига асосланган жорий рискларни ҳисоблаш	Риск-профили кўрсаткичларини ҳисоблаш натижаси
3	Риск-профили кўрсаткичларига асосланиб рискга оид прогноз	Риск-профили кўрсаткичлари прогнози ва натижаси
4	Ҳисоблаш натижалари асосида риск-профили кўрсаткичларини чегара қийматларини аниқлаш	Риск-профили кўрсаткичлари бўйича таклифлар
5	Банкнинг коллегиял органлари томонидан риск-профили кўрсаткичларини чекланган қийматларини тасдиқлаш	Риск-профили кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида қарор
IV - Босқич: Риск-аппетити кўрсаткичлари мониторинги		
1	Риск-аппетити ва риск-профили кўрсаткичлари бўйича доимий мониторинг ўрнатиш	Кўрсаткичлар мониторинги тўғрисида ҳисобот
2	Риск-аппетити ва риск-профили кўрсаткичларига мувофиқлигини назорат қилиш ва режадан ташқари мониторинг қилиш	Мониторинг натижаларини таҳлил қилиш
3	Транзакциялар ва операциялар учун риск-аппетити ва риск-профилининг белгиланган кўрсаткичларига мувофиқлигини мониторинг қилиш	Белгиланган кўрсаткичларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса
4	Банк раҳбарияти томонидан қарор қабул қилишда бузилишлар тўғрисида маълумот тақдим этиш	Риск-профили лимитлари бузилганлиги тўғрисида ҳисобот
5	Белгиланган чекловлар битимлар ва операцияларни бузилиши фактлари бўйича қарорлар қабул қилиш	Бузилишлар бўйича қарор
V - Босқич: Рискларни камайтириш учун қарорлар қабул қилиш		
1	Банк раҳбарияти томонидан қарор қабул қилиш учун рискларни камайтириш бўйича таклифларни шакллантириш	Рискларни камайтириш тўғрисида хулоса
2	Банкнинг тегишли қўмиталари томонидан рискларни камайтириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш	Қўмита мажлис баёнлари
3	Банкнинг тегишли қўмиталари томонидан риск-профили кўрсаткичларини камайтириш бўйича қарорларни тасдиқлаш	Қўмита мажлис баёнлари
4	Банк раҳбариятининг қарорларига мувофиқ рискларни камайтириш бўйича қарорларини бажариш	Банк раҳбариятини қарорларни бажариш бўйича ҳисоботи
5	Қарорлар ва қўшимча тадбирларни бажарилишини назорат қилиш	Қўмита мажлис баёнлари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Риск аппетити кўрсаткичларини аниқлаш жараёнида жорий рискни баҳолаш, риск даражаси прогнози ва турлари ҳамда бардошлилик прогнози амалга оширилади, шунингдек, Банк фаолиятининг ташқи ва ички чекловлари аниқланади ва риск қилишнинг якуний кўрсаткичлари танланади.

Бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичлардан иборат риск-аппетити кўрсаткичларини аниқлаш ва муҳокама қилиш, риск профили кўрсаткичлари, рискларини камайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш тузилмаси бўйича риск-аппетитини бошқариш тадбирлари кетма-кет равишда амалга оширилади.

Банк риск аппетити кўрсаткичларини аниқлашда банк ўзининг ҳозирги ва келгуси даврларда рискни қабул қилиш имконияти, банкнинг мақсадли кўрсаткичлари ва стратегик ҳамда жорий ривожланиш йўналишлари, банк қонунчилигининг ҳозирги ва келажакдаги талаблари, банкнинг инвесторлар томонидан кутаётган натижалари, шу жумладан молиявий шартномалари, банк мавжуд бўлган минтақаларда банк секторини ривожлантириш истиқболлари, банк асосий рақобатчиларининг фаолияти ва молиявий кўрсаткичлари, рейтинг агентликларининг сўнгги профессионал хулосаларида қайд этилган банкнинг кредит рейтингини қўллаб-қувватлаш ва ошириш омилларини ҳисобга олиш лозим.

Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан риск аппетити ва риск профили кўрсаткичларининг лимитларини бошқариш бўйича банк таркибий бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштиради, ҳозирги ва келажакдаги даврларда, шу жумладан, йирик битимлар ва янги операциялар турларини амалга оширишда риск-аппетити ва риск-профилининг ҳолатини баҳолайди, риск-аппетити ҳамда риск-профили кўрсаткичларига риоя этилишини назорат қилади ва Банк Бошқарувида кўрсаткичларнинг бузилишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Банкнинг бизнес бўлинмалари операция турлари бўйича риск-аппетитининг энг юқори кўрсаткичларини белгилайди. Йирик битимлар ва янги операцияларни амалга оширишдан олдин, риск-профилининг кўрсаткичлар мониторинги ва шунга мос равишда банкнинг риск-аппетити кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳар ойда ёки зарур ҳолларда тез-тез амалга оширилади. Бузилишлар аниқланган тақдирда банк томонидан риск даражасини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Риск филларини эрта аниқлаш ва риск филларини риск аппетити кўрсаткичларига мувофиқликни таъминлаш мақсадида Банк доимий равишда риск даражаси ва динамикасини таҳлил қилиши учун риск профилининг кўрсаткичларидан фойдаланади.

Риск-профили кўрсаткичларини шакллантириш улардан фойдаланиш ва такомиллаштириш жараёнида Банк қуйидаги тамойилларга асосланади:

риск-профили кўрсаткичлари қаторида молиявий, йил давомида банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир муҳим рискларни ҳар томонлама баҳолайдиган кўрсаткичлар бўлиши;

риск-профилининг кўрсаткичлари асосан рискка объектив миқдорий баҳо берадиган тарзда танланиши керак. Риск-профилининг қийматлари ҳисоблаб чиқилиб кўрсаткичлари тасдиқланган ҳисоблаш методологиясига эга бўлиши керак, бу кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳам ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш учун ҳам қўлланилади;

риск-профилининг кўрсаткичлари белгиланган тебранишга мувофиқ мунтазам равишда баҳоланиши керак. Ҳисобот санасида барча ҳисобланган риск кўрсаткичлари учун таққосланадиган баҳолар олиниши керак, яъни битта ҳисобот тарихи ва битта тарихий давр учун риск-профилининг кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқиши керак.

Риск-профили кўрсаткичлари ҳисобот ва мониторинг мақсади учун икки гуруҳга ажратилади:

асосий кўрсаткичлар - бунинг учун риск-профилининг кўрсаткичлари банкнинг масъул бўлинмалари томонидан талаб қилинадиган чекловлар бу ҳисобот даврида бузилиши мумкин ва бу банкнинг назорат органлари, акциядорлари ва инвесторлари олдидаги мажбуриятларини бажармаслигини англатади.

асосий бўлмаган кўрсаткичлар - улар учун риск-профили кўрсаткичлари тавсиявий чекловлар ўрнатилган. Уларнинг бузилиши банк фаолияти учун бевосита салбий оқибатларга олиб келиши мумкин эмас, шунингдек, банк томонидан тарихан минимал қийматга нисбатан минимал маржани ушлаб турадиган кўрсаткичлар бу тез-тез бузилишларни келтириб чиқариши мумкин.

Банк мониторинг натижалари асосида риск-профилининг чегаравий ва назорат қилиш даражаси қийматларига риоя этилишини назорат қилади ва риск-профилининг ҳолатига қараб қуйидаги бошқарув стратегияларини қўллайди:

агар бирон-бир лимит бузилса, банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси томонидан бу ҳақида Банк раҳбариятини хабардор қилади ва зарур бўлганда риск-профили кўрсаткичларининг мақсадли қийматларидан оғишларни камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

лимит бузилиш rischi мавжуд бўлганда Банкнинг таваккалчиликларни бошқариш бўлинмаси риск-профилининг кўрсаткичлари бўйича назорат сигнали қийматлари бузилишларини қайд этади ва белгиланган чекловларга риоя қилиш учун масъул бўлинмани хабардор қилади ҳамда риск-профилининг чегаравий лимитларидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича таклифларни биргаликда ишлаб чиқади;

лимит бузилган тақдирда Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси бу ҳақида бошқарув коллегиал органларини ва риск-профилининг ушбу кўрсаткичи учун белгиланган чекловларга риоя қилиш учун масъул бўлган бўлинмани дарҳол хабардор қилади ва тегишли риск-профили кўрсаткичининг чегарасидан ошиб кетишини ёки қайта кўриб чиқишни тезда бартараф этиш бўйича сўнги таклифларни ишлаб чиқади.

Риск аппетитининг ишлаб чиқирилиши қуйида келтирилган кредит рискларини олдини олишга қаратилган.

Кредит rischi:

Банк кредит портфели стратегик мақсадларига эришишда кредит rischi учун ўртача риск аппетитини ўрнатади ва мос равишда амалга оширади;

йирик кредит лойиҳаларини сотиб олиш, сотишни режалаштирмаслик, давлат органларининг қарорлари билан боғлиқ операциялар бундан мустасно;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ ссудалар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун консерватив захира яратиш сиёсатига риоя қилиш;

Банк оқилона кредит сиёсати, қатъий мезонлар ва кредитлаш стандартлари, рискларни баҳолаш орқали юқори сифатли портфелни шакллантириш ва бу орқали кредит riskини эҳтиёткорлик билан бошқаришни амалга ошириш.

Риск концентрацияси:

Банк риск концентрацияси учун аппетити паст бўлган ва ўз фаолиятини диверсификация қилишни амалга ошириб, риск профилига кредитлашнинг тармоқ чегаралари, кредитлашнинг ҳудудий чегаралари, кредит портфеллар ва мижоз сегментлари бўйича чекловлари, кредитлашнинг хорижий валютада чегаралари, хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятлар чегаралари каби чекловлар тизимини жорий қилиш;

активлар сифатини чеклаш (ички хавфларни баҳолаш моделларига асосланган ҳолда) ҳамда қарз олувчининг тўлов қобилиятига асосан молиялаштириш лимитларни ўрнатиш.

2-жадвал

Риск-профилининг асосий кўрсаткичлари рўйхати

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларнинг ҳисоблаш методологияси
Умумий кредит rischi		
1	Портфел қиймати,% жами активлар	Умумий кредит портфели / Жами Активлар
2	Йил бошидан буён портфелнинг ўсиш сураъти, %	Жорий даврининг умумий кредит портфели / йил бошидаги жами кредит портфели
3	Муаммоли кредитни(NPL) жами кредитга нисбати, %	Муаммоли кредитларни(3-5 гуруҳ) / умумий кредит портфели
4	Захира суммаси,%жами кредитлар	Кредитлар учун мумкин бўлган йўқотишлар учун захирлар / жами кредит портфели
5	Муаммоли кредитларнинг захиралар билан қопланиши, %	Кредитлар учун мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар / жами муаммоли кредитлар портфели
Корпоратив мижозлар кредит rischi		
1	Протфель қиймати,% жами активлар	Юридик шахслар кредитлари / Жами активлар
2	Йил бошидан буён протфелнинг ўсиш сураъти, %	Юридик шахсларнинг жорий давр кредитлари / Йил бошидан буён юридик шахсларга берилган кредитлар
3	Муаммоли кредитни(NPL) жами кредитга нисбати, %	Муаммоли кредитларни(3-5 гуруҳ) / умумий кредит портфели
4	Захира суммаси,%жами кредитлар	Кредитлар учун мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар / юридик шахслар кредит портфели
5	Муаммоли кредитларнинг захиралар билан қопланиши, %	Кредитлар учун мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар / жами юридик шахслар бўйича муаммоли кредитлар портфели
Жисмоний шахслар кредит rischi		
1	Протфель қиймати,% жами активлар	Умумий жисмоний шахслар кредит портфели / Жами Активлар
2	Йил бошидан буён протфелнинг ўсиш сураъти, %	Жисмоний шахсларнинг жорий давр кредитлари / Йил бошида юридик шахсларга берилган кредитлар
3	Муаммоли кредитни(NPL) жами кредитга нисбати, %	Муаммоли кредитларни(3-5 гуруҳ) / умумий кредит портфели
4	Резерв суммаси,%жами кредитлар	Кредитлар учун мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар / жами жисмоний шахслар
5	Муаммоли кредитларнинг захиралар билан қопланиши, %	Кредитлар учун мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар / жами жисмоний шахслар бўйича муаммоли кредитлар портфели
Риск концентрацияси		
1	Ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар, %	Ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар / умумий кредит портфели
2	Жисмоний шахслар жами кредитлари	Жисмоний шахслар кредитлари / умумий кредит портфели
3	Йирик кредитлар, %	Йирик кредитлар (капиталнинг10% юқори) / 1-даражали капитал
4	1-даражали капитал	
5	Битта қарз олувчига берилган кредитлар, % 1-даражали капитал	Битта қарз олувчига берилган кредитнинг максимал миқдори (гуруҳ) / 1-даражали кредит
6	Давлат дастурлари бўйича кредитлар	Давлат дастурлари бўйича кредитлар / Умумий кредит портфели

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Операцион бошқарув даражасида рискларни бошқариш функцияси "ҳимоя қилишнинг учта йўналиши" концепциясига мувофиқ амалга оширилади. Фронт офиснинг бўлинмалари биринчи ҳимоя чизиғи, Банкнинг рискларни бошқариш бўлинмаси ва Комплаенс назорат бўлинмалари иккинчи ҳимоя чизиғи ҳамда Ички аудит хизмати эса учинчи ҳимоя чизиғида бўлиб, ҳар бир ҳимоя чизиғи бир-бири билан ўзаро боғланади ва қарорларни қабул қилиш "пастдан юқори" тамойилига асосланиб иш олиб боради.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан ҳамда ҳалқаро тажрибадан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни келтирамиз:

- Банкда стратегик риск бошқарув тизимини жорий этиш: Риск аппетити кўрсаткичлари капитал етарлилиги, NPL даражаси, ликвид активлар улуши ва диверсификация индекси билан боғланиши керак; Риск профилини автоматлаштирилган Dashboard (бошқарув панели) орқали ҳар чоракда янгилаб бориш лозим.

- Стресс-тестлар ва “Early Warning Indicators” (EWI) тизимини кенгайтириш: Кредит рисклари учун макроиктисодий сценарийлар асосида стресс-тестлар ўтказиш (масалан, фоиз ставкалари ўсиши, ИҚТ пасайиши каби); Риск профили доирасида олдиндан огоҳлантирувчи индикаторлар (қарз қайтариш кечикишлари, секторлардаги қийинчиликлар) бўйича автоматик сигнал тизимини ишлаб чиқиш.

- Риск аппетити ва риск профилини корпоратив бошқарувга интеграция қилиш: Бошқарув кенгаши ва риск бўйича қўмита қарори билан риск аппетити йиллик тарзда тасдиқланиши керак; Ҳар бир кредит стратегияси ва янги маҳсулот/сервис риск аппетити чегараларига мувофиқ равишда баҳоланиши шарт.

- Банкда Risk Culture (риск маданияти)ни мустаҳкамлаш: Бошқарув даражасидан тортиб, қуйи звеногача барча ходимлар учун риск маданияти ва риск чегаралари тўғрисида доимий тренинглар жорий этиш; Ҳар бир кредит қарорини қабул қилишда риск аппетити чегараларига амал қилишни ички назорат орқали таъминлаш.

- Банкнинг таркибий бўлинма раҳбарлари рискларни аниқлаш ва баҳолаш, тегишли назорат механизмларини яратиш, ўз ваколатлари доирасидаги операциялар билан боғлиқ рискларни олдини олиш ва минималлаштириш бўйича ишларни ташкил этиши керак.

- Риск-профилининг кўрсаткичлари мониторинги ва ҳар бир кўрсаткич бўйича чекловларга риоя қилиш мониторинги натижаларига кўра Банк томонидан риск-профилининг ҳолатига мувофиқ агар назорат сигнали ва чегаравий қийматлар бузилмаса “Паст риск” даражаси берилиши, агар фақат назорат сигнали чегаравий қийматлари бузилган бўлса “Ўрта риск” даражаси берилиши ҳамда агар риск-профилининг чегаравий қийматлари бузилган бўлса “Юқори риск” даражаси берилиши мақсадга мувофиқдир.

- Кредит рискларини бошқаришда “top-down” ва “bottom-up” ёндашувлар уйғунлаштирилади. Масалан, Германия ва Сингапур банкларида юқори даражадаги бошқарув қарори асосида риск аппетити аниқланади, шу билан бирга ҳар бир департамент ўз фаолиятини шу чегаралар асосида мувофиқлаштиради. Бу ёндашув ташкилотнинг ҳар бир бўғинида риск маданиятини шакллантиради.

Адабиётлар /Литература/References:

Basel Committee on Banking Supervision (2011) *Operational Risk – Supervisory Guidelines for the Advanced Measurement Approaches*. Available at: <http://www.bis.org/publ/bcbs196.pdf>.

Deutsche Bank (2017) *Risk Appetite and Capacity*. Available at: <https://annualreport.deutsche-bank.com/2017/ar/risk-report/risk-and-capital-framework/risk-appetite-and-capacity.html>.

Lamanda, G. & Vöneki, Z.T. (2015) ‘Hungry for Risk. A risk appetite framework for operational risks’, *Public Finance Quarterly*, 2, pp. 212-2.

Martens, F. & Rittenberg, L. (2012) *Enterprise Risk Management – Understanding and Communicating Risk Appetite*. Available at: http://www.coso.org/documents/ERM%20Understanding%20%20Communicating%20Risk%20Appetite%20WEB_FINAL_r9.pdf.

Michel Crouhy, Dan Galai & Robert Mark (2014) *The Essentials of Risk Management*. Available at:

Schneider, L. (2023) *The State of Risk Oversight: An Overview of Enterprise Risk Management Practices*. ERM NC State. Available at: <https://erm.ncsu.edu/resource-center/2023-risk-oversight-report-erm-ncstate-lp/>.

Берч, Карл (n.d.) *Риск Appetite: «Не откусывайте больше, чем можете проглотить»*. Available at: https://www.cfin.ru/finanalysis/risk/Risk_Appetite.shtml.

Жеймс, Лам (2014) *Enterprise Risk Management: From Incentives to Controls*. Available at: https://students.aiu.edu/submissions/profiles/resources/onlineBook/X9P8W6_Enterprise%20Risk%20Management.pdf.

Изгор, Тарасов (n.d.) *Риск Appetite*. Available at: <https://upravlenie-riskami.ru/риск-appetite/>.

Карпентер, Элизабет (2023) *Why risk management is the key to responsible innovation*. World Economic Forum. Available at: <https://www.weforum.org/stories/2023/06/risk-management-is-the-key-to-responsible-innovation/>.

Низом (2020) *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 3254-сонли “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”*. 30 июнь.

Низом (2023) *Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 3427-сонли “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги”*. Адлия вазирлиги томонидан 18 апрелда рўйхатдан ўтказилган.

Пашковская, И.В. & Хоткин, А.В. (2020) *‘Значимость риск-аппетита в разработке стратегии управления коммерческим банком’*, Экономика: вчера, сегодня, завтра, 10(3А), С. 57-64. DOI: 10.34670/AR.2020.94.4.007.

Фармон (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”*. 12 январь.

Хилсон, Дэвид (2009) *Clarifying the Concepts of Risk Appetite and Risk Tolerance*. Available at: <https://www.pmi.org>.